Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси ўртасида 2021-2026 йилларга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида

ШАРТНОМА

№_____

2021 йил "06" сентября Тошкент шаҳри

Мазкур шартномани бир тарафдан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори И.У.Маджидов ва иккинчи тарафдан Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси директори М.А.Рахимова билан қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. 2021-2026 йиллар давомида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий фанлар факультети Ижтимоий иш кафедраси билан Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси ўртасида хамкорлик асосида малакали кадрлар тайёрлашни амалга ошириш.

2. Шартноманинг мақсади

2.1. Ҳамкорликда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бакалавриат йўналишлари ва уларнинг негизидаги магистратура мутахассисликлари учун Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалар ва фан дастурларини ишлаб чиқиш.

2.2. Ўзаро хамкорлик асосида Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси малакали етакчи ходимларини таълим жараёнига жалб этиш.

2.3. Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси базасида талабалар малакавий амалиётини ўтказишни ташкил этиш.

2.4. Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси етакчи мутахассисларини талабалар малакавий амалиёти, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациясига илмий раҳбар сифатида жалб қилиш.

2.5. Ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқув адабиётларини яратиш; анжуманлар ўтказиш, соҳадаги долзарб муаммоларга бағишланган илмий мақолалар чоп этиш.

2.6. Зарур ҳолларда Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси базасида кафедралар филиалларини ташкил қилиш.

2.7. Амалиёт объектидаги малакали етакчи мутахассисларни таълим жараёнига жалб этиш.

3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. Йўналиш ва мутахассисликлар учун ДТС, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш жараёнига Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмасининг етакчи мутахассисларини жалб этиш;

3.1.2. Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмасининг етакчи мутахассисларини амалий ва лаборатория машғулотларини олиб боришга жалб этиш;

3.1.3. Ўзаро хамкорлик асосида Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси базасида талабалар малакавий амалиётини ўтказиш бўйича режа ишлаб чиқиш;

3.1.4. Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси мутахассислари иштирокида амалиёт дастурини ишлаб чиқиш;

3.1.5. Амалиёт ўташ учун юборилаётган талабаларни тегишли меъёрий ҳужжатлар ва керакли маълумотлар билан таъминлаш;

3.1.6. Замонавий ўқув адабиётларини яратиш жараёнига Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси етакчи мутахассисларини жалб қилиш;

3.1.7. Ҳаммуаллифликда тайёрланган ўқув адабиётларини тайёрлаш ва нашр этиш;

3.1.8. Амалиётни ўтказиш назоратини амалиёт раҳбари томонидан амалга ошириш.

3.2. Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. Давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув режалар ва фан дастурларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

3.2.2. Ташкилотнинг етакчи мутахассислари томонидан ихтисослик фанларидан маърузалар ўқиш орқали таълим жараёнида иштирок этишлари учун шароитлар яратиш;

3.2.3. Амалиётни ўтишда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик иш жадвалига амал қилиш;

3.2.4. Талабалар ташкилотда мавжуд техника ва адабиётлар билан белгиланган тартибда фойдаланишлари учун имконият яратиш;

3.2.5. Курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда университет билан ҳамкорлик қилиш;

3.2.6. Талабаларга амалиёт давомида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мажбурий кўрсатмалар бериш, зарур бўлган ҳолларда талабаларни меҳнатнинг хавфсизлиги усулларига ўргатиш;

3.2.7. Амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий қилинган ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларига амалий ёрдам бериш;

3.2.8. Амалиётчи талабаларга замонавий моддий техника базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;

3.2.9. Амалиёт тугаганидан сўнг, унинг натижаси бўйича ҳар бир талабанинг дафтарига унинг амалиёт ўташ давомида эришган ютуқ ва камчиликлари кўрсатилган ҳолда амалиёт натижаларини баҳолашни амалга ошириш;

3.2.10. Иш ўрганиш амалиёти тугагач, талабанинг шахсий хислати, ишчанлик қобилияти ва камчиликлари, танлаган касбига муносабати ҳақида Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси томонидан тавсифномалар бериш.

4. Шартнома муддати

4.1. Мазкур шартнома 5 йил муддатга тузилади. Агар тарафлардан бири томонидан келгусида мазкур шартнома юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилмаса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади.

5. Махсус қоидалар

5.1. Университет амалиётчи талабаларнинг Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси ички тартиб-қоидалари ва ахлоқ кодекси билан танишишларини ва унга амал қилишларини таъминлаши шарт.

6. Шартноманинг якуний қоидалари

6.1 Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилиб, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2026 йилгача бўлиб, икки томоннинг розилиги билан ўзгартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

6.3. Шартнома икки томоннинг розилиги билан ёки бир томоннинг шартнома шартларини бажармаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

6.4. Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар иккала томоннинг ёзма шаклдаги келишувига асосан киритилади.

6.5. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам бир хил ҳуқуқий кучга эга.

Тошкент шаҳар "Шаройит Плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси

100114, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ҳиёбон кўчаси 43-уй.

Тел: 99 817-24-64

Директор Рахимова М.А.

«06» сентябрь 2021 й.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети

100147, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси

Тел.: 71 114-52-36, Факс 114-73-12

Ректор И.У.Маджидов

«_____» _____ 2021 й.